Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 27 октябрь, № 226 (7728) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ КОРХОНАЛАРИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни электр энергетикаси корхоналарини трансформация қилиш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бу соҳадаги тизимли ўзгаришлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 1 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан бошланган эди. Ҳужжатга мувофиқ, Энергетика вазирлиги ташкил этилиб, соҳада бошқарув ва тижорат функциялари ажратилди.

Шунингдек, 2019 йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Президент қарори билан собиқ “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамияти негизида 3 та йўналиш бўйича алоҳида компаниялар — “Иссиқлик электр станциялари”, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” ҳамда “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Энергетика соҳасига хусусий инвестициялар кириб келиши учун замин яратилди. Натижада бир йилнинг ўзида давлат-хусусий шериклик асосида 2 миллиард долларлик тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилиш, 2 минг 700 мегаватт қувватли 6 та янги электр станциясини қуриш бўйича лойиҳалар бошланди.

Энди олдинда трансформациянинг янги босқичи, яъни станцияларни модернизация қилиш, энергия тежамкорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва истиқболда электр энергиясининг рақобатли бозорини яратиш вазифалари турибди.

Йиғилишда шу йўналишлардаги муҳим чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Аввало, корхоналарни модернизация қилиш масаласига эътибор қаратилди.

Бугунги кунда электр станцияларининг эскирганлик даражаси 50 фоиздан юқори. Бундан ташқари, эски қувватларда ёқилғи сарфи янги буғ-газ қурилмаларига нисбатан 2 баравар зиёд.

Шу боис модернизация ишларини давом эттириш, лекин буни олдингидек давлат кафолати ҳисобига эмас, балки хусусий капитални жалб қилиш орқали амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари”, “Ҳудудий электр тармоқлари”, “Иссиқлик электр станциялари” ҳамда “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш тизимига ўтиш кераклиги таъкидланди.

Бу халқаро кредит рейтинги олиш, келгусида еврооблигациялар чиқаришда муҳим омил бўлади. Мутасаддиларга шу мақсадлардан келиб чиқиб, мазкур 4 та компаниянинг уч йиллик молиявий модели ва бизнес режаларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Трансформация жараёнларига кўмаклашиш учун корхоналар бошқарувига ва кузатув кенгашларига чет эллик мутахассислар жалб қилиниши бўйича кўрсатмалар берилди.

Ҳозирда электр энергияси улгуржи бозори қоидалари белгиланмагани сабабли инвесторлар билан энергияни қатъий нархларда харид қилиш бўйича узоқ муддатли шартномалар имзоланмоқда. Бундай ёндашув келгусида рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин. Шу боис электр энергияси рақобатли бозорига ўтиш босқичлари ва қоидаларини белгиловчи ҳужжат ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Соҳага илғор технологияларни кенг жорий этиш, “рақамли трансформация”ни амалга ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда янги лойиҳаларнинг ижросига ҳам эътибор қаратилди. Маълумки, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарёда қуёш, Бухоро ва Қорақалпоғистонда шамол, Сирдарё ва Сурхондарёда иссиқлик электр станциялари барпо этилиши режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни жадаллаштириш, уларга давлат-хусусий шериклик асосида инвестициялар йўналтириш муҳимлиги айтилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ҳисобот берди.

ЎзА.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни қурилиш соҳасидаги лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик кўлами кенгайди. Айниқса, кўп қаватли уйлар қурилиб, аҳолининг энг муҳим талаби қондирилмоқда. Хусусан, жорий йилда қишлоқларда 12 мингдан зиёд, шаҳарларда 18 мингдан ортиқ кўп қаватли турар-жойлар барпо этилмоқда.

Сардоба сув омборидаги ҳодисадан кейин Сардоба ҳамда Мирзаобод туманларида қисқа муддатда 86 та беш қаватли уй қуриб битказилди.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ушбу тажрибадан фойдаланиб, лойиҳаларни такомиллаштириш, турар-жойларни аҳоли учун янада арзон қилиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шунга мувофиқ, беш қаватли уйлар лойиҳаси қайта кўриб чиқилиб, хонадонларнинг жойлашуви ва хоналарнинг ички майдони мақбуллаштирилди. Қурилиш материаллари лойиҳага мос ўлчамда ишлаб чиқарилади, исроф бўлмайди. Ҳовли ва йўлакларга сенсорли электр чироқлари қўйилади. Бу каби тежамкор чоралар натижасида уйларнинг нархи ўртача 30 фоизгача арзонлашади.

Президентимиз ушбу лойиҳани маъқуллаб, бундай турар-жойларни аҳоли зич жойлашган барча туманларда қуриш зарурлигини таъкидлади.

Яна бир лойиҳа Тошкент давлат техника университети ҳудудида замонавий ўқув-амалий комплекси барпо этишга қаратилган.

Дунё тажрибасидан маълумки, кўплаб машҳур илмий муассасалар университетлар ичида жойлашган. Режалаштирилаётган мажмуа ҳам шу ҳудуддаги Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Турин политехника университетидаги жами 36 минг талаба, 2 мингдан зиёд профессор-ўқитувчилар учун шундай марказ бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу ерда бир пайтда 500 та стартап резидентлари, 120 та ишлаб чиқариш корхонасини жойлаштириш мумкин бўлади.

Тошкент шаҳрида аҳолини арзонлаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида ҳам маълумот берилди.

Жорий йил 2 октябрь куни Қорақалпоғистонга сафар чоғида Нукус шаҳрини ободонлаштириш, аҳолининг дам олиши учун шароитларни кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Шу мақсадда шаҳарнинг истиқболдаги замонавий марказини барпо этиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, кўчаларни кенгайтириш ва кўкаламзорлаштириш, кўллар ва истироҳат боғлари ташкил этиш, савдо ва маиший хизматларни кўпайтириш назарда тутилган.

Президентимиз ушбу лойиҳалар билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича қатор кўрсатмалар берди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 5 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **248-модда**:

биринчи қисмидаги «56^1-моддасида» деган сўзлар «54, 56^1-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

2-бандидаги «56^1-моддасида» деган сўзлар «54, 56^1-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, 225-моддасининг биринчи – бешинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – темир йўл вокзаллари ва аэропортлардаги бўлинмаларнинг, ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари»;

4-бандидаги «56^1-моддасида» деган сўзлар «54, 56^1-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-бандидаги «125-моддасида» деган сўзлар «54, 123, 125-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-бандидаги «125-моддасида» деган сўзлар «54, 123, 125-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7-бандидаги «125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «54, 123-моддаларида, 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда иккинчи қисмининг 2 – 7-бандларида кўрсатилган ички ишлар органлари ходимлари ушбу Кодекснинг 54-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазони фақат карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган тақдирда, қўллашга ҳақлидир»;

2) **291-модда**:

биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги «90^1-моддасида» деган сўзлар «54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида), 90^1-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши муносабати билан тегишли ҳудудларда ёки объектларда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этилган шароитларда транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан ушбу Кодекс 54-моддасининг иккинчи қисмида (транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чекловлар бузилиши қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда, транспорт воситаларини ушлаб туриш ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилгунига қадар амалга оширилади»;

иккинчи ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 октябрь
№ ЎРҚ—643

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, юртимизда жамоат хавфсизлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш тизимини такомиллаштириш борасидаги алоҳида хизматлари, шунингдек, шарафли бурчини бажариш чоғида кўрсатган мардлик ва жасорат намунаси ҳамда ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Сатволдиев Шухратжон Хошимович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

«Мардлик» ордени билан

Атаходжаев Адил Иргашевич — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

Турсунов Рустам Рахмонович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Саитбаев Тимур Ренатович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг тезкор қидирув фаолияти кафедраси профессори

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Закирова Феруза Гулямовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Марказий поликлиникаси бош шифокори

Муминова Азиза Рустамовна — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон» санаторийси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Пирлепесов Саламат Турганбаевич — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

Сальникова Светлана Юрьевна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг эксперт-криминалистика гуруҳи катта эксперти

(Давоми 2-бетда).

Владимир НОРОВ,
Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби:

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШАББУСЛАРИ АМАЛИЙ, ДОЛЗАРБ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида илгари сурган ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Турли мамлакатлар, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасидаги экспертлар уларнинг долзарблиги, бугунги кун талабига мослиги, мамлакатларимиз дуч келаётган минтақавий ҳамда глобал муаммоларни ҳал қилишдаги амалий аҳамиятини таъкидлашмоқда.

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Шуни қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон раҳбарининг барча ташаббуси ШҲТ Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида белгиланган, минтақада барқарор тараққиёт, тинчлик ҳамда хотиржамликни таъминлаш, дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қаратилган мақсад ҳамда вазифаларини тўлиқ акс эттиради, уларга ҳар томонлама мос келади.

Биринчи. Ўзбекистон Президенти пандемияга қарши, унинг тарқалиши салбий оқибатларининг олдини олиш учун биргаликда курашишни қўллаб-қувватлади, бунда халқаро шерикликни мувофиқ ҳолда ривожлантириш, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, пандемия замонавий таҳдидларнинг трансчегаравий характерга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ушбу вирусли касалликнинг тажовузкорлиги ҳар қандай қўпорувчилик ҳаракатидан ҳам кучли бўлиб чиқди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Бош Ассамблея 75-сессияси доирасида бўлиб ўтган Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг учрашувида айтиб ўтганидек, “Пандемия жаҳон ҳамжамияти кўтара олмаган оғир синов бўлди. Дунё ҳамкорлик ва бирдамликни намоён этишга тайёр эмаслигини кўрсатди”. Шундай шароитда ШҲТ аъзолари бўлган давлатлар ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда бир-бирига ёрдам беришни намоён этди.

3

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ БОРАСИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИЛДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева Швейцарияда бўлиб турибди. Бу ташриф учрашувларга бойлиги билан аҳамиятли кечмоқда.

Ташриф

Дастлаб Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) Бош котиби М. Чунгонг билан учрашув бўлиб ўтди. Унда ПИ Бош котиби Ўзбекистон Республикасини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан самимий муборакбод этди ва ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ҳамда ПИ ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратилганлигини таъкидлади. Жумладан, у “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатда қисқа вақт ичида демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида туб ўзгаришларга эришилди”, деди.

Учрашув давомида парламентлараро ҳамкорлик истиқболи ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А. Саидовнинг ПИ раиси лавозимига сайланиши юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, М. Чунгонг Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юқори баҳолади, айниқса, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишда ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш бўйича махсус резолюциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Президентининг ташаббусини алоҳида эътироф этди.

Бундан ташқари, ПИ Бош котиби 2021 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё давлатлари парламентлари вакиллари иштирокида минтақавий тадбир, 2022 йилда Парламент аёл-спикерларининг глобал саммитини ташкил этиш имкониятини кўриб чиқишга тайёрлигини билдирди. Бу борада Ўзбекистонда ёшлар парламентини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни ҳисобга олган ҳолда, у келажакда ҳам шундай тадбир ўтказиш мумкинлигини билдирди.

М. Чунгонгнинг ахборотига кўра, шу йилнинг 21 октябрида бўлиб ўтган ПИ раиси лавозимига номзодларнинг дебатлари А. Саидовнинг ушбу лавозимга сайланиши учун яхши асослар борлигини тасдиқлади.

“А. Саидов мазкур лавозимда зарур бўладиган барча фазилатларни ўзида мужассамлаштирган: у академик сифатида фанни намоён этади, етакчилик тажрибасига эга, қонунчиликни ҳаётга амалий татбиқ қилишга жалб этилган, дипломатик хизмат билан шуғулланган, ташкилот Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари ҳисобланади”, деди у.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 27 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Жасорат» медали билан

Бокиев Равшан Орибжонович (марҳум) — Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Нишонов Ойбек Хамроқулович (марҳум) — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг экспертиза ва криминалистика бўлинмаси эксперти

Умаров Салим Усмонали ўғли (марҳум) — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаев Шерзод Хомид ўғли — Фарғона вилояти Фарғона шаҳар бўйичаИчки ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Валихужаев Жамолиддин Алавидинхужаевич — Тошкент вилояти Қибрай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Джахонов Азизхон Пайзуллахонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Джумаева Наргиза Тургуновна — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Жанбиев Дилшод Кушкарович — Тошкент вилояти Бўка тумани ички ишлар бўлимининг 1-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

Маткурбанов Гулмурат Зарипбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Наманхўжаев Азимхўжа Тохирхўжа ўғли — Наманган вилояти Наманган шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

Наркабилов Мухидин Турсунович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси катта терговчиси

Ортиқов Уматали Рахимович — Андижон вилояти Улуғнор тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Рауфжонов Шуҳрат Абдурашидович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Саидов Тимур Аббасхонович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Сайидов Аброр Ахрорович — Бухоро вилояти Олот тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Тошбеков Миркомил Абдусалимович — Қорақалпоғистон Республикаси бўйича портлатиш ускуналарини зарарсизлантириш махсус отряди командири

Шоймардонов Баҳодир Абдурахимович — Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ички ишлар бўлимининг 8-ички ишлар бўлинмаси бошлиғи

Эркаев Одилбек Нурмаматович — Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

«Шуҳрат» медали билан

Абдурасулова Назирахон Эргашалиевна — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси катта терговчиси

Даулетбаев Аманбай Асенбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани ички ишлар бўлими ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи

Жаббаров Уткир Абдусатторович — Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Журакулов Бунёд Арзикулович — Самарқанд вилояти Булунғур тумани ички ишлар бўлими бошлиғи

Камолов Отабек Кудратович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори

Курбанов Ахрор Абдукаримович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси муҳим топшириқлар бўйича инспектори

Маматназаров Лазизбек Турақулиевич — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси 11-жазони ижро этиш колонияси бошлиғининг ўринбосари

Махамадалиев Равшан Кучкарович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси катта тезкор вакили

Мовлонов Умиджон Эсонқулович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи

Рашидов Дилшодбек Абдумажитович — Андижон вилояти Андижон шаҳар бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тезкор вакили

Сайипов Тулкун Тургунович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати катта инспектори

Содиқов Алишер Розиқович — Навоий вилояти Хатирчи тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили

Турдиев Нурбек Абдивасиевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати бригадаси сафдор ходими

Тўхтаев Улуғбек Жололдинович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Усмонов Салимжон Собиржонович — Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармасининг патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси сафдор ходими

Худойбердиев Тулқинжон Рахмонбердиевич — Сирдарё вилояти Ховос тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Юлдашев Темур Азадович — Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 23 октябрь

Ўзбекистон ва Сингапур:

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШ ИККИ ТОМОНГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоевнинг Сингапур Парламенти спикери ўринбосари Жессика Тан Сун Нео билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.

Парламентлараро алоқалар

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий ҳамда таълим йўналишларидаги шериклик ва парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш бўйича батафсил фикр алмашилди.

Ж. Тан Сун Нео сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар сезиларли даражада фаоллашганини алоҳида таъкидлади. Бу Ўзбекистон ва Сингапурнинг ҳам ҳукумат даражасидаги, ҳам ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларига тааллуқли. Бу эса ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун қулай имкониятдир.

Сингапур ҳукумати, дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари COVID-19 тарқалишига қарши курашиш учун барча имкониятни ишга солаётгани таъкидланди. Пандемия иш жойларини сақлаб қолиш ва яратишга ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга салбий таъсир кўрсатганлиги қайд этилди.

Шу нуқтаи назардан, Жессика Тан Сун Нео аҳолисининг аксариятини 30 ёшгача бўлган фуқаролар ташкил этадиган Ўзбекистон ёши катта аҳолиси кўп бўлган Сингапурга нисбатан сезиларли устунликка эга эканлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Сингапур ёш мамлакат сифатида шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон давлатчилик барпо этиш ва замонавий кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида тарихий тажрибага эга мамлакат сифатида Сингапур учун ёрқин намунадир. Бунда, айниқса, хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ҳамда иқтисодиётни диверсификация қилиш дастурлари алоҳида эътиборга лойиқ эканлигига урғу берилди.

Ўз навбатида, суҳбатдош Сингапур тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёрлигини билдирди. Айниқса, коррупцияни йўқ қилиш ҳамда фаолияти фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликка асосланган ошкора рақамли ҳукуматни шакллантириш борасида бу давлат тажрибаси қўл келажаги айтилди.

Томонлар, шунингдек, таълим ва молия соҳасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш истиқболларини ҳам кўриб чиқди. Фонд ҳамда қимматли қоғозлар бозори, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, халқаро фундаментализм ва экстремизмга қарши курашиш масалалари ҳам муҳокама этилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ОЧИҚ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ БОРАСИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАРГА ЭРИШИЛДИ

1

Унинг билдиришича, ҳозирги вазиятда А. Саидов ва португалиялик номзод ўртасида рақобат бўлиши мумкин. Қолган икки номзод (Покистон ва Канада) имкониятлари кам.

Маълумот учун айтиш керакки, шу йил 1 ноябрь куни ПИ раиси лавозимига сайловнинг биринчи босқичи бўлиб ўтади, унинг якуни бўйича 2 нафар номзод қолади. Якуний босқич шу йилнинг 3 ноябрида ўтказилади.

Шу куни Сенат Раиси Ҳиндистоннинг элчиси, БМТнинг Женевадаги бўлинмаси ҳузуридаги ва Швейцариядаги бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили И. М. Пандей билан ҳам учрашди.

Ҳиндистон элчиси Ўзбекистон Республикасини БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан қутлади.

Дипломат Акмал Саидовнинг ПИ фаолиятини янада такомиллаштириш дастури ва қарашлари тўғрисида тўлиқ маълумот олди. Ўз навбатида, у тақдим этилган ахборот учун Ўзбекистон делегациясига миннатдорлик билдирди. Ўзбекистон ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги стратегик шериклик дўстлик ва яқин муносабатлар асосида жадал ривожланиб бораётгани, Деҳли Тошкент билан кенг кўламли алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлиги ҳам таъкидланди. Шунингдек, у мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик доирасида сезиларли ютуқларга эришилгани ҳамда сўнгги йилларда юқори даражадаги ташрифлар доирасида шериклик алоқалари янги босқичга кўтарилганини қайд этди.

Ташриф давомида Сенат Раиси Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори Г. Райдер ҳамда Халқаро миграция ташкилоти бош котиби А. Виторино билан учрашди.

ХМТ бош директори Ўзбекистон 2021 — 2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлгани билан табриклади. Унинг сўзларига кўра, бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишлар ҳолатини яхшилаш, болалар меҳнатига барҳам бериш борасида мамлакат томонидан бажарилган катта ишлар, мажбурий меҳнатга қарши курашишда эришилган ютуқлар ва умуман, ХМТ конвенциялари самарали рўёбга чиқарилиши натижасидир.

Ҳозирги пандемия тўғрисида тўхталиб, халқаро ташкилот раҳбари коронавирус барча давлат меҳнат бозорига салбий таъсир кўрсатганини қайд этди. Пандемия шароитида ишсизлик ва қашшоқликнинг ўсиши энг ривожланган мамлакатларда ҳам жиддий муаммога айланди.

Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон раҳбари томонидан кўрилган қатъий чоралар, изчил саъй-ҳаракатлар, сўнгги 3 йилдаги ислоҳотлар динамикаси жамият ва иқтисодиётга коронавирус салбий таъсирининг оқибатларини юмшатди.

Ҳамкорлик истиқболларига келганда, Г. Райдер ХМТнинг инклюзив иқтисодий ўсиш учун муносиб ва сифатли иш ўринларини яратиш, инқироздан кейинги даврда ишчи кучи сифатини ҳамда унинг мобиллигини ошириш, Ўзбекистон ва ХМТнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди. ХМТ, шунингдек, Бандлик хизматлари, Давлат меҳнат инспекцияси ҳамда Жамоат ишлари жамғармаси тизимини ислоҳ қилиш ва кучайтириш ҳамда норасмий иқтисодиётни пасайтириш бўйича самарали чораларни ишлаб чиқиш тарафдоридир.

Халқаро миграция ташкилоти Бош котиби А. Виторино эса Ўзбекистон Республикасини БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан самимий табриклади ва сўнгги йилларда мамлакатда чет элда фаолият олиб бораётган меҳнат муҳожирларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бош котибнинг айтишича, Халқаро миграция ташкилоти Ўзбекистонда мамлакат аҳолисининг ижтимоий заиф қатламларини ҳимоя қилиш, меҳнат миграциясини тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларни диққат билан кузатмоқда. “Мен шу йилнинг 17 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган ва чет элда ишлаётганлар учун муносиб шароитлар яратиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилиши якунларини диққат билан ўрганиб чиқдим ҳамда унда қабул қилинган қарорларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман”, деди у.

Шу муносабат билан учрашувда Халқаро миграция ташкилоти Бош котиби Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битимни имзолади.

Сенат Раиси Т. Норбоева, шунингдек, Швейцарияга ташрифи давомида БМТ Бош котибининг ўринбосари, БМТнинг Женевадаги бўлинмаси бош директори Т. Валовая билан учрашди.

Таъкидланганидек, бугунги Ўзбекистон ўзининг тез суръатлар билан ривожланаётганлиги ва эришган салмоқли ютуқлари билан тубдан ажралиб туради.

Учрашувда БМТнинг Женевадаги бўлинмасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар диққат билан кузатиб борилаётгани ҳақида ахборот берилди.

Т. Валовая “ислоҳотлар изчиллиги, тезлиги ва самарадорлиги” билан ажралиб туришини, бу, шубҳасиз, Ўзбекистон халқи учун ижобий натижалар бераётганини” билдирди.

Унинг фикрига кўра, бу ўз вақтида билдирилган ташаббус, чунки янги глобал таҳдидлар, жумладан, COVID-19 пандемияси мамлакатлар томонидан 2030 йилгача БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин “ва бу ерда парламентларнинг роли ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”.

БМТ Бош котиби ўринбосари Ўзбекистон Президентининг таклифи хорижий парламентлар аъзоларининг мутлақ кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланишига ишонч билдирди, чунки ушбу таклиф уларнинг халқларига фойда келтириш истагига ҳамоҳангдир.

Шу муносабат билан ушбу тилга олинган ташаббусларни ҳаётда янада кенг тарғиб қилиш ва татбиқ этиш учун Женевадаги БМТ бўлинмасининг мавжуд майдончаларидан фаол фойдаланиш таклиф қилинди.

Бундай майдончаларидан бири “SDG Lab” ҳисобланади, у ерда мамлакатлар халқаро ташкилотлар, хусусий сектор ва илмий доиралар билан биргаликда БРМга эришиш учун кўп тармоқли ҳамкорликни ривожлантириш таклифларини беради.

Т. Валовая Т. Норбоевани Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган ташаббусларига бағишланган “SDG Lab”нинг келгуси йилда ўтказиладиган махсус йиғилишида нутқ сўзлашга таклиф этди.

Сенат Раиси ушбу таклифни катта мамнуният билан қабул қилгани ва **“Zamin”** халқаро жамоат фонди томонидан БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда жорий йилнинг 19 ноябрда ўтказиладиган “Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқлари: пандемия шароитида долзарблиги, узлуксизлиги ва инновациялар” халқаро веб-форумида ўз чиқиши билан иштирок этишини маълум қилди.

Учрашув якунида Т. Валовая имкон бўлиши билан Тошкентга ташриф буюриш истагини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг Швейцарияга ташрифи давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН АҚШнинг ХОТИН-ҚИЗЛАР ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАРГА ДАЪВАТИ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНДИ

Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонасининг хабар беришича, 2020 йил 23 октябрь куни Сенат Раиси Танзила Норбоева раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси “Хотин-қизлар иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳаракатларга даъват” (Call to Action on Women’s Economic Empowerment) мавзуида АҚШ Давлат департаменти томонидан виртуал форматда ташкил этилган халқаро форумда қатнашди.

Ҳамкорлик

Форумда хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг глобал иқтисодиётдаги ролини кучайтириш ҳамда бутун дунёда аёл тадбиркорларга ўз имкониятларини рўёбга чиқариш учун тенг шароит ва имкониятларни яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон, АҚШ, Албания, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам, Ҳиндистон, Колумбия, Кот-Д’Ивуар, Марокаш, Маршалл ороллари республикаси, Руанда, Сан-Марино ва Эстония (жами — 14 та мамлакат) ҳукуматлари ва парламентлари вакиллари иштирок этди. Бу мамлакатларнинг Вашингтонда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари эса бевосита форумда қатнашиш учун АҚШ Давлат департаментига таклиф этилди. Бизнинг элчихонамиз томонидан элчи Жавлон Вахобов иштирок этди.

АҚШ томонидан давлат котиби Майкл Помпео, президент маслаҳатчиси Иванка Трамп, миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчи Роберт О’Брайен ва АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Келли Крафт қатнашди. Маросимни Давлат департаментининг Хотин-қизларнинг глобал масалалари бўйича идораси раҳбари, алоҳида топшириқлар бўйича элчи Келли Кюрри олиб борди.

М. Помпео Оқ уй раҳбарияти номидан делегатларга “Форумда иштирок этаётганлиги ва ўз мамлакатлари ҳукуматларининг хотин-қизларга жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришда эркин қатнашиш имкониятларини тўлиқ яратиш бўйича саъй-ҳаракатлари учун” миннатдорлик билдирди. У “Қўшма Штатлар ҳамкор мамлакатларнинг Вашингтон ташаббусини қўллаб-қувватлаётганидан фахрланади ҳамда тинчлик ва тараққиётнинг умумий қадриятларини тарғиб қилиш ишида мамлакатлар бош бўлганлигини унутмайди”, деб таъкидлади.

Президент маслаҳатчиси И. Трамп қайд этишича, “БМТга аъзо давлатлар орасида тарғиб қилинаётган ва АҚШнинг глобал миқёсда хотин-қизлар камолотига эришиш ташаббуси тамойилларига асосланган хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳаракатларга даъват АҚШ ва 31 та мамлакатнинг бутун дунёда хотин-қизларга иқтисодий имкониятлар тақдим этишга содиқлиги эътирофидир”.

Америка Қўшма Штатлари Президентининг Миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Р. О’Брайен таъкидлаганидек, “Форум хотин-қизларнинг иқтисодий жараёнларда тўлақонли ва монеликсиз иштирок этишини таъминлаш орқали жаҳонни барқарор ривожлантириш мақсадларига иштирокчи давлатларнинг қатъий содиқлигини намоён қилади”. “Хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда имкониятларини кенгайтириш АҚШ ташқи сиёсатининг ва миллий хавфсизлик стратегиясининг асосий йўналиши ҳисобланади”, деди маслаҳатчи.

АҚШнинг БМТдаги элчиси К. Крафтнинг сўзларига кўра, “Бутун жаҳонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш Президент Д. Трамп маъмуриятининг энг устувор вазифаларидан биридир”. “Ушбу тадбирда БМТнинг 75 йиллиги ҳамда Хотин-қизлар ҳолати, тинчлик ва хавфсизлик бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясининг 25 йиллиги нишонланмоқда. Хотин-қизлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тинчликни сақлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди” деди америкалик дипломат.

Сенат Раиси Т. Норбоева ўз нутқида “Хотин-қизларнинг Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини фаол қўллаб-қувватлаш республика ҳукуматининг асосий вазифаси ҳисобланади”, дея таъкидлади.

Тадбир иштирокчиларининг эътибори мамлакат раҳбарияти томонидан кейинги вақтда мамлакатни янада ривожлантириш учун ҳаётий муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида хотин-қизларнинг ролини сезиларли даражада оширишга йўналтирилган бир қатор қарорларга қаратилди.

Вашингтондаги дипломатик миссиямиз хабар берганидек, форум якуни бўйича “Хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш бўйича ҳаракатга даъват” номли ҳужжатни расмий имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ҳужжатда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилишни рағбатлантириш, глобал иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаши ҳамда барқарорлигида хотин-қизларнинг тўлақонли иштирок этиши ва етакчилик қилишининг асосий ролини тасдиқлаш ҳамда фуқаролик жамиятининг иштирокини ва у билан ҳамкорликни кенгайтириш, айниқса, COVID-19 пандемияси шароитида кенгайтириш назарда тутилади.

Унда хотин-қизлар ҳолати, тинчлик ва хавфсизлик бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясининг 25 йиллиги арафасида БМТ Низомига содиқлик ҳамда гендер тенгликни тарғиб қилиш, шунингдек, хотин-қизларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарлиги, хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай кўринишдаги зўравонлик билан боғлиқ мавжуд ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш қайд этилган.

Даъват БМТ тизимида уч ўлчов бўйича хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилади:

1) кадр ресурсларини ривожлантириш ва уларнинг кўникмаларини шакллантириш;

2) тадбиркорлик ва капиталдан фойдалана олиш;

3) хотин-қизларнинг иқтисодий ҳаётда иштирок этиши учун қулай муҳит яратиш.

Бундан ташқари, шартномани имзолаган мамлакатлар вакиллари хотин-қизларнинг иқтисодиётда тўла ҳамда эркин иштироки йўлидаги ҳуқуқий, меъёрий ва бошқа тўсиқларни олиб ташлаш, шу жумладан, аёлларнинг муассасалар имкониятларидан фойдаланиш ҳамда капитал олиш, мулкка эгалик қилиш ва уни бошқариш, эркин саёҳат ҳамда эркаклар билан бир хил соҳаларда ишлаш имкониятларини яратиш зарурлигини таъкидлади.

Гендер тенгликни амалга ошириш, хотин-қизларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, кенг қамровли ва адолатли сифатли таълимни кафолатлаш, мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам ҳужжатнинг асосий бандларидан ҳисобланади.

Давлат департаменти билан эришилган келишувга биноан, Ўзбекистон Қўшма Штатлар ташаббусини қўллаб-қувватлаган давлатларнинг асосий гуруҳига (31 мамлакат) аъзо бўлди. Мурожаатномани виртуал режимда мамлакатимиз номидан Т. Норбоева имзолади.

Мамлакатларнинг асосий гуруҳига, шунингдек, Афғонистон, Албания, Бутан, Бразилия, Буюк Британия, Вьетнам, Кабо-Верде, Колумбия, Коста-Рика, Кот-д’Ивуар, Миср, Эстония, Венгрия, Ҳиндистон, Ямайка, Япония, Қозоғистон, Малайзия, Мальдив ороллари, Марокаш, Папуа-Янги Гвинея, Перу, Қатар, Жанубий Корея, Маршалл ороллари республикаси, Руанда, Сан-Марино, Саудия Арабистони, Тунис ва Бирлашган Араб Амирликлари каби мамлакатлар киритилди.

Ушбу ҳужжат АҚШ ташқи сиёсий идорасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилди (https://www.state.gov/womens-economic-empowerment-call-to-action/) ва БМТга аъзо бошқа давлатлар қўшилиши учун очиқдир.

Вашингтондаги дипломатик ваколатхонамиз раҳбарининг махсус топшириқлар бўйича элчи К. Кюрри билан учрашуви чоғида дипломат республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади ва АҚШнинг хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқларини рағбатлантириш соҳасидаги ташаббусини фаол қўллаб-қувватлаганлиги учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдирди. К. Кюрри “Сенат раҳбариятининг нутқи ва мамлакатда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда ҳуқуқларини мустаҳкамлаш борасидаги ютуқлари тўғрисида тайёрланган видеоролик маросимнинг жуда муҳим ва ёрқин қисмига айланди”, дея эътироф этди.

Америкалик дипломат таъкидлаганидек, “Ўзбекистоннинг гендер тенглик соҳасидаги сўнгги йилларда эришган ютуқлари жуда таъсирли ва республика ҳаётининг барча соҳасида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида бошқалар учун ўрнакдир”. “Сенат Раиси Т. Норбоеванинг парламент юқори палатасига биринчи аёл раҳбар бўлиб тайинланиши ҳозирги Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларнинг ёрқин аксидир”, дея хулоса қилди Давлат департаменти вакили.

«Халқ сўзи».

Владимир НОРОВ,
Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби:

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАШАББУСЛАРИ АМАЛИЙ, ДОЛЗАРБ ҲАМДА ЗАМОНАВИЙ ХАРАКТЕРГА ЭГА

1

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифи жуда ўринли бўлди, у барча мамлакатларни малакали мутахассислар, доридармонлар ва тегишли технологиялар билан тенг шартлар асосида таъминлаш имконини бера олади.

Иккинчи. Коронавирус пандемияси халқаро муносабатларнинг бутун тизимига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда халқаро террорчилик ва экстремизм муаммоси ўткирлашяпти. Улар "ёвузлик кучи" сифатида дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликка таҳдид солиб, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тўсқинлик қилишда давом этяпти. Халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши самарали курашиш жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни, халқаро антитеррор ҳамкорликни мустаҳкамлашни талаб этмоқда.

Бу борада ШҲТ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликни янада кучайтиришга ва БМТнинг Глобал антитеррор стратегиясини биргаликда амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда.

2001 йилда имзоланган Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш бўйича Шанхай конвенцияси ўзининг амалий аҳамиятини исботлади. ШҲТ аъзолари бўлган давлатларнинг тегишли органлари томонидан терроризм ҳамда экстремизм хавфларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш даражаси йилдан-йилга яхшиланяпти.

Тошкент шаҳрида жойлашган ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси самарали фаолият юритяпти. ШҲТда махсус хизматларнинг антитеррор ўқув машқларини, шунингдек, "Тинчлик миссияси" умумқўшин машқларини мунтазам ўтказишга катта аҳамият берилмоқда.

Шу боис Ўзбекистон етакчисининг Глобал антитеррор стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг бажарилишига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси тўла қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

2006 йили ушбу стратегиянинг қабул қилиниши халқаро антитеррор ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Ўшанда дунё ҳамжамияти глобал террористик хавфни бартараф этишда бирга ва самарали ҳаракат қилиш қобилиятини намойиш этган эди.

Кўп йиллар давомида терроризм муаммосига дуч келаётган Марказий Осиё БМТнинг Глобал антитеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилган биринчи минтақа бўлди ва ушбу режа таҳдидга қарши курашишда комплекс ёндашувни ўз ичига олди.

Аминмизки, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш мақсадида саъй-ҳаракатларни сафарбар этишга қаратилган, Глобал антитеррор стратегия доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг бажарилишига бағишланган халқаро конференциянинг ўтказилиши минтақавий ва глобал даражада замонавий таҳдидларга қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлик, ахборот алмашинуви ҳамда амалий ҳаракатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчи. Марказий Осиё давлатларида халқаро терроризмнинг намоён бўлишида яна бир муҳим омил — Афғонистондаги вазиятдир. Тошкентда шуни яхши билишадики, Афғонистонда тегишли иқтисодий чора-тадбирларни амалга оширмай туриб тинчликни, қўпорувчилик ҳамда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчиликдан холи ҳаётни тиклаш мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томони Афғонистонни тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи манба сифатида эмас, балки ноёб стратегик имконият сифатида кўради, мабодо, мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорлик ўрнатилса, бутун Евроосиё ҳудудида трансминтақавий ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришга янгича туртки бера олади, деб ҳисоблайди.

Шу боис Ўзбекистон мазкур мамлакатда барқарор вазиятни таъминлаш учун аниқ қадамларни қўймоқда. Жумладан, Афғонистоннинг темир йўл, энергетика, таълим инфратузилмаларига инвестициялар киритяпти. Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари туфайли бугунги кунда Афғонистон демократик жамият қуриш ва иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида муайян ютуқларга эришди.

2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси ҳам ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатди. Анжуман натижалари вазиятни тинч йўл билан тартибга солишнинг асосий тамойил ва шартларини белгилаб берди, Афғонистон ҳукумати ҳамда қўллланган мухолифатнинг мажбуриятларини, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг музокаралар жараёнини бошлаши, унинг қўллаб-қувватлаши масалаларини аниқлаштирди. Айнан шу тадбир туфайли бугунги кунда Афғонистон ҳукумати ва "Толибон" ҳаракати ўртасидаги музокаралар давом этаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Улар Афғонистоннинг замонавий тарихида ҳал қилувчи бурилиш нуқтаси бўлиб қолади, тинчлик ҳамда барқарорликни ўрнатишга ҳисса қўшади.

Шу боис Ўзбекистон раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси халқаро экспертлар ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланди ва қўллаб-қувватланди. Ушбу механизмнинг яратилиши Афғонистоннинг минтақа савдо-иқтисодий тизимига интеграция қилинишида амалий кўмак кўрсатади.

Бундан ташқари, Афғонистон Марказий Осиёнинг жуғрофий жиҳатдан ажралиб қолган мамлакатлари учун Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Европа давлатларининг бозорларига ҳамда Ўрта Ер денгизи портларига чиқишни таъминловчи транспорт йўлакларини яратиш орқали мазкур минтақанинг транзит салоҳиятини оширишда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Шундай экан, Афғонистон ҳудуди орқали, жумладан, Мозори-Шариф — Ҳирот ва Мозори-Шариф — Пешовар йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланиш мумкин бўлган автомагистраллар ҳамда темир йўлларни қуришга катта аҳамият берилмоқда. Улар Шимол — Жануб транспорт йўналишининг муҳим бўғини сифатида Эрон, Покистон ва Ҳиндистоннинг темир йўлларига, шунингдек, Чахбахор ҳамда Гвадар портларига чиқиш учун янги транзит коридорини яратади.

Тўртинчи. Чиндан ҳам, Марказий Осиёда транспорт ва транзит йўлакларининг ривожлантирилиши ҳамда кенгайтирилиши минтақа мамлакатларининг глобал иқтисодий жараёнларга чуқур интеграциялашувини таъминлайди.

Марказий Осиё ШҲТнинг ядроси ва фаолият устуворлиги ҳисобланади, у ташкилотимизнинг бутун ҳудуди бўйлаб транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий алоқаларни кучайтиришда улкан салоҳиятга эга. Ҳеч шубҳа йўқки, ана шу соҳалардаги қўшма ҳамда кўп тарафлама лойиҳаларни рўёбга чиқариш минтақадаги ҳамкорликни янги сифат босқичига олиб чиқади.

ШҲТ мамлакатлари транспорт соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, янги транспорт йўлаклари барпо этиб, мавжудларини модернизация қилиш, ташкилот аъзоларининг транзит салоҳиятини ошириш учун мультимодал логистика марказларини яратиш тарафдоридир. Шу маънода, ШҲТнинг халқаро транспорт-логистика ассоциациясини шакллантириш бўйича Ўзбекистон ташаббуси эътиборга молик. Ушбу таклиф янги Тошкент — Андижон — Ўш — Иркиштом — Қошғар транспорт йўлагини ишга туширишда ҳамда Термиз — Душанбе — Қошғар йўлаги атрофида давом этаётган савдологистика марказларининг қурилиши ШҲТга аъзо давлатларнинг транзит салоҳиятини янада юксалтириши, минтақалараро савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши нуқтаи назаридан ҳам жуда долзарб ва фойдалидир.

Демак, Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш таклифи ҳудуднинг иқтисодий, инновацион жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшиши билан аҳамиятлидир. Мазкур тузилма Марказий Осиёга минтақалараро савдо-иқтисодий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиши, ушбу йўналишдаги кун тартибини шакллантиришда муҳим роль ўйнашига кўмаклашади.

Шу ўринда эътироф этишни истардимки, бу Ўзбекистоннинг мазкур йўналишдаги биринчи ташаббуси эмас. Шавкат Мирзиёев 2019 йилдаги Бишкек саммитида ҳам ШҲТнинг ўзаро боғлиқлик, самарали иқтисодий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқишни таклиф қилганди.

Ҳар иккала ташаббус рўёбга чиқарилса, улар бир-бирини ўзаро тўлдиради. Бу эса Марказий Осиё янада барқарор, иқтисодий жиҳатдан башорат қилса бўладиган минтақага айланаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Кенг доирадаги ҳамкорлик, ниҳоятда муҳим минтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар ва ноёб имкониятлар юзага келади. Мисол учун, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши ўзаро савдони ривожлантиришга кучли туртки беради, мамлакатларимизга инвестициялар оқимини жадаллаштиради.

Шубҳасиз, бунга Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги "маслаҳат механизми" ҳам самарали хизмат қилади. Ушбу "мулоқот майдончаси" минтақа мамлакатларига хавфсизлик, иқтисодиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, саноат кооперацияси, энергетика, сув захиралари, туризм каби соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини биргаликда ва ҳар томонлама кўриб чиқиш имконини беради.

Бешинчи. Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда янги минтақавий сиёсатини олиб боришдаги муҳим йўналишлардан яна бири — мазкур ҳудудда яшайдиган халқларнинг маданий, гуманитар ва маънавий муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Марказий Осиё қадим-қадимдан турли халқлар, мамлакатлар ва қитъаларнинг тарихан шаклланган учрашув нуқтаси бўлиб келган. Ушбу ҳудудда жойлашган шаҳарлар ҳамиша фан ва маърифат ўчоқлари саналган. Ҳудуд инсоният тамаддунига, миллатлараро ҳамда динлараро мулоқотга беқиёс ҳисса қўшган буюк алломалар, файласуфларнинг номлари билан машҳур.

Жаҳон тамаддуни ривожига хизмат қилган Ўзбекистон замини Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган бўлиб, айнан шу ерда Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро товар ҳамда тажриба алмашинуви рўй берган, бу ҳолат ҳанузгача маданиятлар, анъаналар ва динларнинг тараққий этиши ҳамда муштараклигини таъминлашда асосий ролни ўйнамоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон маданий ва маънавий меросни сақлаш, йирик халқаро тадбирларни ўтказишда ЮНЕСКО билан фаол ҳамкорлик қилади. Кейинги йилларда ушбу ташкилот шафелигида республикада "Шарқ тароналари", бахши ҳамда мақом санъатлари бўйича йирик фестиваллар ўтказилди. Бу тадбирлар давлатлараро яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа халқлар жаҳон тамаддунига катта ҳисса қўшганини кўрсатди.

Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида "Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида" деган мавзуда халқаро форумни ўтказиш ташаббуси ҳам қўллаб-қувватланди. Албатта, ушбу тадбир ҳам Марказий Осиё халқларининг ўзига хос маданияти, ноёб мероси билан чуқур танишишга имкон яратади.

Олтинчи. Ўзбекистон Президенти эътибор қаратган яна бир долзарб муаммо — қашшоқликни тугатиш ҳамда камбағалликка қарши курашиш. БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолиси тез ўсиб бормоқда ва 2050 йилда 9,8 миллиард кишига етади. Бунда 800 миллиондан ортиқ кишилар камбағаллик чизиғидан ташқарида қолади, яъни табиий офатлар, турли тўқнашувлар, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўзгариши каби сабаблар натижасида очлик инқирозига учрайди. Экспертларнинг ҳисоб-китоб қилишича, 2030 йилдаёқ жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 70 фоизга кўпайтириш керак бўлади.

Шу боис ҳозирги шароитда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб ҳисобланади. Айнан озиқ-овқат тақчиллиги муаммоси ижтимоий-сиёсий ҳалокатга сабаб бўлади, қашшоқлик ва камбағаллик доирасини кенгайтиради.

Барқарор ривожланишни таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришда муҳим омиллардан бири — таълим ва фан ролини кучайтириш, сифатли тиббий хизматни ташкил этишдир. Соғлом ҳамда билимли жамият капитал қўйилмаларнинг ўзини оқлаши коэффициентига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, "камбағалликни бир авлоддан кейингисига ўтказиш"нинг олдини олади.

Ер юзида аҳолининг энг камбағал тоифаси (75 фоизга яқин) қишлоқ жойларда яшайди. Уларнинг турмуши, озиқ-овқат хавфсизлиги, асосан, қишлоқ хўжалигига боғлиқ. Кўпинча улар захиралар, хизматлар, технологиялар, бозор ва инфратузилмадан мосуводирлар.

БМТ Бош Ассамблеяси 2018-2019 йилларда "Барқарор ривожланиш соҳасидаги кун тартибини 2030 йилгача амалга ошириш фаолияти доирасида қишлоқдаги қашшоқликни бартараф этиш" резолюциясини қабул қилган. Мазкур ҳужжат ижтимоий-иқтисодий сиёсатни гендер аспекти, қашшоқликни йўқотиш, ривожланаётган мамлакатлар аҳоли камбағал қатламининг аҳволини яхшилаш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга мўлжалланган тегишли технологиялар билан таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ҳамда юритишга даъват қилади.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси сабабли юзага келган глобал инқироз барча мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Пандемия шароитида ишсизлик ва камбағалликнинг ўсиши ҳатто энг ривожланган давлатларда ҳам улкан муаммога айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қашшоқлик чегарасида яшайдиган одамлар сони ждаям кўпайиб кетиши мумкин, деб ҳисоблаяпти. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020-2021 йилларда дунёда қашшоқлар сони 150 миллионга ортиши мумкин.

Коронавирус пандемиясининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга кўрсатадиган таъсири ҳақидаги маърузада таъкидланишича, 1,6 миллиард ишчи-ходим ҳозирнинг ўзидаёқ даромадлари 60 фоиз пасайишига дучор бўлди. Даромадни йўқотиш, ижтимоий ҳимоянинг етишмаслиги ва нархлар ўсиши шуни англатмоқдаки, камбағаллик энди иқтисодий аҳволи илгари яхши бўлган одамларга ҳам хавф туғдирмоқда. Бунда аҳолиси ўртача даромадга эга бўлган мамлакатларда ҳам камбағаллик кўрсаткичи ортади, бундай мамлакатлар эса дунёда 60 фоизни ташкил этади. БМТ маълумотларига кўра, даромадларнинг ёки истеъмол даражасининг 20 фоизга пасайиши натижасида қашшоқликда яшайдиган одамларнинг сони 2018 йил кўрсаткичларига нисбатан 420 — 580 миллион кишигача ортиши мумкин.

Коронавирус пандемияси келтириб чиқарган янги иқтисодий инқироз ШҲТ мамлакатларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бунинг устига, ундан чиқиш чўзилиб кетиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим. Шу боис дунё аҳолисининг деярли ярми истиқомат қиладиган ШҲТ давлатлари пандемиянинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларини бартараф этишга катта эътибор беряпти. Асосий саъй-ҳаракатлар, энг аввало, ишсизлик ҳамда камбағалликка қарши курашишга қаратилмоқда.

ШҲТ ҳудудида 800 миллиондан зиёд ёш авлод вакиллари яшайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий имкониятларнинг йўқлиги хавфли тенденцияга айланиши ҳеч гап эмас, яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ўзини ҳуқуқбузарликка, шу жумладан, терроризм, одам савдоси ва гиёҳвандликка ўриши мумкин. Шундай экан, ШҲТ ҳудудида камбағалликни қисқартириш масаласи минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

ШҲТ Хартиясига мувофиқ, ушбу ташкилотнинг устувор мақсади минтақада иқтисодиётни ҳар томонлама ва мувозанатлашган ҳолда ривожлантиришга кўмаклашиш, унга аъзо давлатларда яшайдиган халқларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун тенг ҳуқуқли шериклик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Шу мақсадда ШҲТ аъзолари Россия раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2025 йилгача бўлган ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режасини ишлаб чиқмоқда. Уни жорий йил ноябрида бўлиб ўтадиган ШҲТ саммитида қабул қилиш кўзда тутилган. Мазкур ҳужжат ШҲТга аъзо давлатларнинг камбағалликка қарши курашдаги ҳамкорлигини йўлга қўйишни ҳам мақсад қилган.

Шу муносабат билан Президент Шавкат Мирзиёев қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этди. Бу эса ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш, инвестициявий ҳамда ишчанлик муҳитини яхшилаш, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида келишилган ҳолда ёндашувларни ишлаб чиқишга имкон яратади.

Еттинчи. Ўзбекистон раҳбари томонидан республикада гендер сиёсатини амалга оширишда, фуқаролик жамиятини, инсон ҳуқуқлари ҳамда ёшлар ҳуқуқларини, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашда эришилган ютуқлар келтириб ўтилди ва бу давлат раҳбари пухта ўйланган, изчил ҳамда мақсадли ички сиёсий фаолият олиб бораётганидан далолат беради.

Муваффақиятли рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар туфайли давлат ва жамият ҳаётига қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашга асосланган демократик тамойиллар босқичма-босқич жорий этилмоқда. Республиканинг илк маротаба БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани ҳам Ўзбекистондаги кенг кўламли ислоҳотларнинг халқаро эътирофидир.

Шу маънода таъкидламоқчиманки, ШҲТнинг энг асосий вазифаларидан бири, ўз Хартиясида белгиланганидек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда уларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ ҳолда таъминлашга кўмаклашишдир.

Айнан шунинг учун ҳам ШҲТ аъзолари бўлган давлатларнинг раҳбарлари Бишкек саммитида ўзбек томони киритган ташаббус — БМТнинг ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси лойиҳасини тайёрлаш таклифини қўллаб-қувватлади ҳамда ушбу масалада ишларни мувофиқлаштиришга келишиб олдилар.

БМТнинг ушбу конвенцияси ШҲТ мамлакатлари учун катта аҳамиятга эга. Чунки у ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб жиҳатларини тартибга солиш бўйича халқаро ва миллий тажрибани ҳисобга олади, ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш, салоҳиятини ошириш ҳамда манфаатларини кафолатлаш мақсадида минтақавий ва миллий даражада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни кучайтиришга қаратилган.

Ушбу конвенциянинг яқин орада БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида қабул қилиниши ёшларнинг баркамол ривожланиши масаласи бўйича жаҳон ҳамжамияти олдида турган имконият ва хавф-хатарларга муносиб жавоб бўлади, шунингдек, мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётга эришишида ёшларнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиш, пандемиянинг салбий оқибатларини енгиб ўтишга хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ҳам ушбу ташаббусни янада илгари суришга фаол хизмат қилди. Бу тадбир Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлидаги глобал якдилликни, барқарор ривожланиш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қўшган муҳим ҳиссаси бўлди.

Ўзбекистон ШҲТ доирасида ёшларнинг ахлоқий ва маънавий тарбиясида, уларнинг турли радикал тузилмалар фаолиятига аралашиб қолишига йўл қўймаслик масаласида фаол ҳамкордир. Ушбу ҳаракатларнинг амалий самараси ўлароқ, 2018 йилда Ўзбекистон етакчисининг ташаббуси билан ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг ёшларга қўшма мурожаати ҳамда уни рўёбга чиқариш бўйича Ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Бу ҳужжатлар ташкилотимизнинг ёшлар масаласидаги фаолиятида йўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Саккизинчи. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқида катта эътибор қаратган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, шунингдек, Орол денгизи қуриши туфайли юзага келган экологик ҳалокат оқибатларини юмшатиш масалалари кейинги пайтларда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари тобора кучайиб бораётган бир шароитда жуда долзарб ва ҳар доимгиданда эътиборга молиқдир.

Орол денгизи қуриши ҳозир ҳам генофонд ҳамда саломатликка, Оролбўйи аҳолисининг турмуш шароитлари ва сифатига, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси хилма-хиллигига тиклаб бўлмас зарар етказиши билан Марказий Осиё минтақасининг энг ўткир муаммоларидан бири бўлиб турибди. Жаҳон ҳамжамияти Орол денгизини тиклашнинг иложи йўқлигини таассуф билан эътироф этди. Шунинг учун бу инқирознинг атроф-муҳитга ва Оролбўйи аҳолиси ҳаётига ҳалокатли таъсирини юмшатиш асосий вазифага айланди.

Бу фожиа миллионлаб одамлар турмуш тарзининг ўзгаришига олиб келди, ҳудуднинг ижтимоий ҳамда иқтисодий тизимини издан чиқарди. Оролнинг қуриган ҳудудида 5,5 миллион гектар майдонда туз саҳролари пайдо бўлди. Оролнинг қуриши чўл ҳудудларининг кенгайиш жараёнини бошлаб берди ва денгизнинг қуриган қисмида шамол эрозиясининг кучайишига ҳамда Марказий Осиё ҳаво ҳавзасида чангланишнинг кўпайишига олиб келди.

Ҳавога кўтарилган чанг жуда юқори баландликларгача етиб, катта масофага тарқалди. Бу чангнинг Помир ва Тянь-Шань музликларига ўтириши уларнинг ифлосланишига ҳамда эришининг тезлашувига сабаб бўлмоқда. Масалан, Тожикистон ва Қирғизистон республикалари раҳбарлари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқларида Помир ва Тянь-Шань музликлари эришининг тезлашганидан хавотирда эканликларини билдиришди.

Шу муносабат билан, халқаро экспертлар Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги, хусусан, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ҳамда Халқаро экологик тизимларни муҳофаза қилиш ва тиклаш кунини белгилаш борасидаги ташаббусларида ўз аксини топган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашади.

Бу ташаббуслар атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим омиллари бўлиб, халқаро ҳамжамиятни Оролбўйида экологик мувозанатни ушлаб туриш учун барқарор механизмларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга, шунингдек, минтақага инвестициявий лойиҳаларни жалб қилишга чақиришда асосий ролни ўйнаши мумкин.

Халқаро экологик тизимларни муҳофаза қилиш ва тиклаш кунини жорий этиш кенг жамоатчиликнинг бу муаммодан хабардорлигини оширишда ҳамда унинг ечими учун эътибор ва ресурсларни жалб қилишда самарали воситага айланади.

Бундан ташқари, Оролбўйида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга қаратилган тадбирларнинг ҳаётий татбиғи борасидаги амалий ҳаракатларни рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон ташаббуси билан БМТнинг мазкур минтақада инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди шакллантирилган бўлиб, у халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда донорлар ҳамжамияти маблағларини йўналтиришда ўз самарасини бера бошлади.

Бошқа кўплаб халқаро тузилмаларда бўлгани каби ШҲТ фаолиятида ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишдаги ҳамкорлик устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. 2019 йилги Бишкек декларациясида ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари Орол денгизининг қуриши оқибатларидан хавотирларини изҳор этишди ва бу муаммони ҳал қилишда БМТ, манфаатдор мамлакатлар ҳамда тузилмалар билан ҳамкорликни фаоллаштириш муҳимлигини таъкидлашди.

Бундан ташқари, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари кенгаши мажлиси якуни бўйича имзоланган Қўшми коммюникеда (2019 йил 2 ноябрь, Тошкент) БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг "Сув барқарор тараққиёт учун" халқаро ҳаракатлар ўн йиллигининг ўрта муддатдаги кенг қамровли шарҳи тўғрисидаги резолюциясини амалга оширишда давом этиш маъқулланди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг бу муаммога ёндашуви Оролбўйи экологик барқарорлигини сақлаб қолиш, маҳаллий аҳоли фаровонлигини тиклаш ва ҳудудга инновацион технологияларни жорий этишнинг нақадар аҳамиятли эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий ва халқаро муаммоларни ечиш бўйича ташаббуслари Марказий Осиёда, қолаверса, ШҲТ ҳудудида ва умуман, бутун дунёда хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланишни таъминлашда амалий, долзарб ҳамда замонавий характерга эга.

Давлат раҳбари Марказий Осиёда тараққиёт ҳамда барқарорликни таъминлаш, минтақада очиқ мулоқот ва яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш масалаларида қатъий сиёсий ирода ҳамда узоқни кўра билиш қобилиятини намойиш этди. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистоннинг нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки глобал даражада барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда стратегик жиҳатдан муҳим ва масъулиятли иштирокчига айланиб бораётганини кўрсатади.

«Халқ сўзи».

Қонунчилик палатаси фракцияларида

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАРДА ЧУҚУР ЁНДАШУВ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Шу кунларда сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Уларда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурининг 2020 йил учинчи чорагида бажарилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи қизғин муҳокама қилиняпти. Шу билан бирга, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари ҳам атрофлича кўриб чиқилмоқда.

Ҳукумат ҳисоботи маъқулланди

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида таъкидланганидек, Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, дастур доирасида жами 111 та ҳужжат қабул қилинган.

Пандемия шароитида аҳолининг муҳтож қатламини моддий ва номоддий қўллаб-қувватлашни тизимли амалга ошириш мақсадида жойлардаги 4 та сектор, маҳалла органлари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан биргаликда эҳтиёжманд, моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати — "Темир дафтар" ташкил этилган.

Пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Президентимизнинг тегишли ҳужжатларига асосан, солиқ органлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан 5,4 трлн. сўмлик кўплаб имтиёз ва енгилликлар қўлланилган.

Ҳисобот даврида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, интенсив технологиялар ва инновацион ишланмаларни кенг жорий қилиш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилди. Чунончи, шу вақт мобайнида фермер хўжаликлари томонидан суғориладиган майдонларда гектаридан ўртача 57,5 центнердан, лалми майдонларда ўртача 11 центнердан ҳосил олиниб, жами 6 млн. 408 минг тонна дон етиштирилган.

Фракция аъзолари партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, мазкур ҳисоботни маъқуллашди.

Йиғилишда, шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ги, "Жиноят процессига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Дастур ижроси ҳақидаги ахборотлар аниқ бўлиши зарур

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари пандемия давридаги қийинчиликларга қарамай, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилганини, хусусан, жамиятдаги эҳтиёжманд қатлам манфаатларини таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирлар кўрилаётганини қайд этишди.

Шу билан бирга, муҳокамаларда депутатлар ижтимоий соҳада, аҳолининг кундалик турмушида кузатилаётган бир қатор масалаларда мутасаддиларга эътироз ва таклифлар билдиришди. Жумладан, ҳисоботда камбағалликни қисқартириш бўйича ишлаб чиқилгани айтилган, тайёрлаш жараёнида бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил ахборот етишмаслиги қайд этилди.

"Яшаш минимуми"ни жорий йил 1 октябрга қадар белгилаш бўйича мутасадди идоралар олдига аниқ вазифа қўйилган. Депутатлар бу масала ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида, фракция томонидан Ҳукуматга киритилган таклифларга муносабат хусусида аниқ маълумот берилишини сўради. Мутасадди идоралар қисқа муддатда меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тақдим этадиган бўлди. Халқ вакилларининг фикрича, камбағалликни қисқартириш бўйича мамлакатда яхлит тизимга асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши бўйича давлат тузилмаларининг роли ва таъсирини ошириш, иш берувчилар ҳамда ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларини қонунга мувофиқлаштириш, бозорларда нарх-наво кўтарилиб кетишига қарши чоралар кўриш, мактабларнинг қурилиш ва таъмирлаш билан боғлиқ дастурларга киритилиши ёки киритилмаслиги борасида инсон омилининг салбий таъсирини чеклаш, бу бўйича Ҳукумат миқёсида аниқ бир муддатга мўлжалланган стратегия ишлаб чиқиш зарурлиги каби масалалар ўртага ташланди.

Депутатларнинг савол, таклифлари юзасидан Ҳукумат ва тегишли идоралар мутасаддиларининг жавоб ҳамда мулоҳазалари эшитилди. Фракция Давлат дастурининг 9 ойлик ижроси ҳақидаги Ҳукумат ҳисоботини қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда айни пайтда жамоатчилик муҳокамаси

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 27 октябрь

ХАЛҚИМИЗ ҚАҲРАМОНЛИГИНИ АКС ЭТТИРГАН ЯХЛИТ МАЖМУА

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб барпо этилган “Ғалаба боғи” мемориал мажмуаси жорий йилнинг 9 май санасида тантанали равишда очилди. Мамлакатимиз ва бутун дунёда кузатилган коронавирус пандемияси туфайли оммавий тадбирлар бекор қилингани боис Ғалаба боғи ҳам фаолиятини вақтинчалик тўхтатганди.

Қадрият

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти берган маълумотга кўра, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги шонли тарихини, она халқимизнинг қаҳрамонлигини яхлит акс эттирган ушбу мажмуа ўз иш фаолиятини қайта бошламоқда.

Президентимизнинг ғояси ва ташаббуси билан инновацион технологиялар асосида, Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги беқиёс жасоратини абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва “Шон-шараф” давлат музейи экспозициялари халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ҳамда матонатини, юксак инсоний фазилатларини намоён этиш ва ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Боғда уруш ҳамда унинг оқибатлари, уруш даври манзаралари, жумладан, окоп ва блиндажлар, палаткалар, дала ошхоналари ҳамда бошқа лавҳалар акс этган мажмуада ўша даврдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар, Ўзбекистон халқининг фронт ҳамда фронт ортида кўрсатган жасорати, машаққатли меҳнати, қайғу-алами, шунингдек, эришилган буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссаси ифодаланган.

Боғнинг “Матонат мадҳияси” мажмуасида бутун ўзбек аёлларининг садоқати рамзига айланган зангиоталик Зулфия Зокирова ва унинг урушда ҳалок бўлган беш ўғлининг вафодор рафиқалари акс этган.

“Кўз ёши” мажмуаси урушнинг мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамлар бирлиги рамзини ифодалайди.

“Шон-шараф” давлат музейининг юқори қисмида Иккинчи жаҳон урушида қатнашган 301 нафар қаҳрамонимиз шарафига экилган дарахтлар, шунингдек, “Мангу жасорат” деб номланган мажмуада афсонавий ўзбек генерали Собир Раҳимов ва барча ўзбекистонлик ботир жангчиларнинг сўнмас хотираси ифодаланган. Бу мажмуа юртимиздан етишиб чиққан қўрқмас, мард ҳамда жасур, матонатли саркардалар, жангчилардан фахрланиш, жасоратларидан доимо ибрат олиш, дунёдаги энг буюк халқлардан бири эканлигимизни ҳис этиш, ватандошларимизда шу замин, шу юрт фарзанди эканлигидан ғурур, фахр-ифтихор туйғулари уйғонишига хизмат қилади.

Ҳар бир юртдошимиз “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрар экан, бу ердаги экспонатларни кўриб, қалби ҳаяжонга тўлади. Бу мажмуа бизни бугунги тинчлик-осойишталик, мусаффо осмон, фаровон ҳаёт қанчалик бебаҳо неъмат эканлигини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш муқаддас бурчлигини англатади.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барча юртдошларимизни Иккинчи жаҳон уруши давридаги шонли тарихимиз акс этган мазкур масканга чорлайди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАЛАБАЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШДА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТАДИ

ёхуд «регистратор офис» имкониятлари

Таълимдаги ислоҳотлар келажакда катта самаралар беришини ривожланган мамлакатлар тажрибаси яққол исботлаб турибди. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан ҳам ушбу соҳа ривожига жиддий аҳамият қаратилган ҳолда, бу масалага барча куч-имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Таҳлил

Олий таълимни ривожлантиришга қаратилган мазкур бош концепцияда яқин истиқболда республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишга эришиш мақсад этиб белгилаб қўйилди. Ушбу вазифани амалга ошириш борасида олий таълим муассасалари томонидан “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, асосий эътибор таълимнинг мазмунини тубдан ўзгартириш, иш берувчилар талабидан келиб чиқиб кадрларни тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаоллигини яна кўтариш, хорижий талабалар ва педагог-ўқитувчиларнинг дарс беришларини таъминлашга қаратилмоқда.

Хорижий олий таълим муассасаларининг ўқув, ўқув-услубий ва илмий тадқиқот соҳалари ривожланишини таъминлашга хизмат қилиб келаётган илғор тажрибалари, хусусан, кредит-модуль тизимига ўтиш билан боғлиқ амалий ишлар бошлаб юборилди. Республикамизда фаолият юритаётган 30 дан ортиқ олий таълим муассасаларида 2020/2021 ўқув йилидан биринчи курс талабаларининг янги тизим, яъни таълимни бошқаришнинг кредит-модуль тизими асосида таҳсил олишлари учун барча ўқув-услубий, ташкилий масалалар муҳайё этилди. Жумладан, ушбу тизим асосида олий таълим даргоҳларида талабаларга хизмат кўрсатишнинг энг қулай ҳамда самарали механизми — “регистратор офис”лар ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда кредит-модуль тизими жорий қилинмаган аксарият маҳаллий олий ўқув юртларида таълим жараёнини уюштириш ҳамда талабаларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалалари ОТМнинг бир нечта ички тузилмалари томонидан алоҳида амалга оширилади. Масалан, талабага ўқиш жойидан маълумотнома керак бўлса, у одатда деканат эшигини тақиллатади. Ўқув шартнома тўлови масаласи бўйича эса маркетинг ёки молия бўлимига югуради. Диплом иловаси нусхаси ёки дипломини олиш учун кадрлар бўлими ёки яна деканат эшиги олдида сарғайиб туришига тўғри келиши мумкин. Талаба бирор-бир имтиҳондан қолиб кетган бўлса, қайта имтиҳон учун у яна деканат ёки ўқув бўлими эшигига боради. Бунда талабанинг мурожаати қай даражада кўриб чиқилиши ўша бўлимлардаги масъул ходимнинг вақтига ва базида эса унинг кайфиятига ёки танишлигига боғлиқ. Университетнинг талабалар билан муносабатлари бу тарзда ташкил этилганлиги кўп ҳолатларда сансалорлик ҳамда коррупцияга ҳам йўл очади. Ўз ишини вақтида битишини хоҳлаган талаба тегишли бўлимга ҳеч бўлмаса битта “плитка шоколад” билан кириши бу йиллар давомида шакланган “анъана” десак, хато бўлмайди. Аслида, бундай хизматларнинг барчаси талабаларга тезкор тарзда, ҳеч қандай миннатсиз ва таниш-билишсиз амалга оширилиши керак бўлган хизмат турлари сирасига киради.

«Регистратор офис» қандай вазифаларни бажаради?

Таълимнинг кредит-модуль тизимини “регистратор офис”сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эндиликда талаба ҳар ўқув йили ва семестр бошида ўз ўқув дастурини шакллантириш имкониятига эга бўлмоқда. Талабалар танлов фанларига рўйхатдан ўтиши ёки уларни ўзгартиришни, асосан, онлайн тарзда амалга оширса-да, маълумотларни онлайн қайд этиш, уларни мувофиқлаштириб турувчи тузилмага эҳтиёж туғилади. Бундан ташқари, талаба муайян фан бўйича имтиҳондан йиқилиб, уни қайта топшириши ёки фанни қайта ўқишига тўғри келса, бундай мурожаатлар кимга, қай тарзда берилади деган саволлар туғилади. Ва ниҳоят талаба муайян фандан олган баҳосидан норози бўлиб апелляция ҳуқуқини амалга оширмоқчи бўлса, бундай мурожаатларни қабул қилиш, қайд этиш ҳамда йўналтирувчи тузилмага зарурат пайдо бўлади. Буларнинг барчаси маълум маънода марказлашган маълумотлар базасига эга бўлиш ва уларни бошқаришни тақозо этади.

Ривожланган давлатлар университетлари амалиётида бу каби хизматларнинг аксарияти “регистратор офис” томонидан амалга оширилади. “Registrar’s office” университетдаги ўзига хос бўлинма ҳисобланиб, у университет талабаларига ўқишга қабул қилинган кундан бошлаб, ўқишни битиргунга қадар таълим жараёни билан боғлиқ барча маъмурий масалада тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи марказлашган маъмурий тузилмадир. Айрим олий таълим муассасаларида ушбу тузилмани яна “талабалар хизмати” (student services), “талабалар хизмати нуқтаси” (student service point) деб ҳам аташади.

“Регистратор офис”ни, бошқача айтганда, олий таълим муассасасининг “ягона дарчаси” дейиш ҳам мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли билан ишлашда “ягона дарча” амалиёти қанчалик қулайлик ва ижобий натижалар олиб келаётган бўлса, олий ўқув юртларида ҳам “регистратор офис”нинг ташкил этилишидан ҳам шундай натижалар кутиш мумкин. Яъни ушбу тузилма ОТМ асосий хизматларини талабаларга бир жойдан туриб, тезкор, самарали ва шаффоф тарзда амалга ошириш имкониятини яратади.

Талабаларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш

“Регистратор офис” орқали талабаларга қуйидаги хизматлар амалга оширилади:

— бўлғуси талабалар ва уларнинг яқинларига ОТМдаги дастурлар ҳақида маълумот бериш (Orientations);

— ўқишга қабул қилинган талабаларни қайд этиш (Enrollements);

— ўқув дастуридаги ўқув йили ёки семестр фанларига рўйхатдан ўтказиш (Course registrations);

— талабаларнинг фанлар бўйича баҳо ва кредитларини қайд қилиш (Grade registration);

— Талабаларга ўқиш жойидан маълумотномалар бериш (Confirmation letters);

— талабаларга битирув дипломи ва диплом иловаларини тақдим этиш (Transcripts & diplomas);

— талабалар учун стипендия ва моддий ёрдам кўрсатиш (Processing financial aid applications);

— талабаларнинг ўқиш шартнома тўловларини қабул қилиш (Processing tuition fee payments);

— университетнинг академик режасини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш (development of academic calendars);

— университетнинг дастур каталогларини ишлаб чиқиш жараёнини мувофиқлаштириш (overseeing course catalogue development);

— талабалар ва ўқув дастурлари бўйича статистик маълумотларни юритиш ҳамда шаффоф тарзда чоп этиш.

Хуллас, “регистратор офис”га талабалар юқорида белгиланган барча масала бўйича мурожаат қилади. Ушбу тизим мавжуд ОТМда талабалар ўқув маскани раҳбарияти ёки факультет декани қабулига ҳар хил маъмурий саволлар билан мурожаат қилишларига ҳожат қолмайди. Деканатнинг ҳам ўзининг энг муҳим вазифалари билан шуғулланишига имконияти бўлади. Бу тизимда талабага ҳам университетда ўз ўқиши билан боғлиқ масалалар бўйича, асосан, дарс аудиториялари, кутубхона ва “регистратор офис”дан бошқа жойга мурожаат қилишига эҳтиёж туғилмайди. Улар деканат, маркетинг бўлими ёки бошқа бўлимларнинг эшиги ёнида ўз илтимоси жавобини кутиб, вақтини беҳудага совурмайди. Ҳозирги кунда эса биргина деканат мисолида оладиган бўлсак, бу ерда айнан талабалар билан ишлаш учун масъул ходимлар ажратилмаган, бу каби мурожаатларни одатда деканатда фаолият юритаётган котибалар бўш вақтларида амалга оширади. Бу тизим яна ОТМда майда коррупция элементлари шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

“Регистратор офис” АҚШ, Канада ҳамда Европанинг деярли барча университет, коллеж ва баъзи ҳолатларда ҳатто мактабларида ҳам ташкил этилган. Америка ҳамда Англия олий таълим масканларида бу бўлим даставвал талабалар баҳоларини ягона жойда сақлаш ва уни тартибга солиш мақсадида очилган бўлса, кейинчалик унинг вазифалари кенгайтирилган.

“Регистратор офис” ҳар томонлама қулай, бир пайтнинг ўзида бир нечта талабага хизмат кўрсатиши мумкин бўлган шароитларга эга бинода жойлашиши керак. Бундан ташқари, унда электрон тизим интеграциялашуви жуда яхши йўлга қўйилган бўлиши шарт. Чунки талабалар мурожаатлари, асосан, электрон тарзда ҳал этилади.

Бундан ташқари, кўпгина ОТМда ҳалигача талабалар баҳоларини рейтинг дафтарчасига қайд этиб бориш тизими мавжуд. Аслида, талаба онлайн режимда ўз академик карьерасини кузатиб борадиган ягона электрон база бўлиши зарур. Европа, Америка ва Осиёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида бу ишлар ягона марказлашган бўлим томонидан амалга оширилади. Яхши университет деганда ўзининг кучли профессор-ўқитувчилари ёрдамида таълимни тўғри йўлга қўйиш билан бирга, талабаларга яратилган қулайликлар ҳам назарда тутилади.

Қисқача айтадиган бўлсак, “регистратор офис”нинг ташкил этилиши университетда маъмурий бошқариш тизимининг янада шаффофлашувига, талабалар мурожаатларининг тезкор ва сифатли кўриб чиқилишига хизмат қилади. Зеро, талабанинг ОТМга киришдан асосий мақсади, бу — билим олиш. Унинг вақти маъмурий муаммолар билан боғлиқ югур-югурларга, сансалорликларга сарф бўлмаслиги керак.

К. ШАРИПОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, техника фанлари доктори, профессор.

СИРДАРЁ – ҚОРАКЎЛ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Эндиликда Сирдарёда ҳам Қоракўл халқаро математика мактаб-интернати сингари таълим маскани фаолият юритади. Гап шундаки, куни кеча Гулистон туманида ана шундай замонавий таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Айтиш лозимки, математика фанига ихтисослаштирилган Сирдарё — Қоракўл мактаб-интернати ўша машҳур таълим масканининг Навоий вилоятидагидан кейинги иккинчи филиали ҳисобланади.

Ўқишга қабул уч босқичли синовлар асосида амалга оширилди ва энг иқтидорли 240 нафар ўғил-қиз мактаб-интернатнинг илк ўқувчилари бўлиш бахтига эришди. Қабул қилинганлар таркибида вилоят мактаблари қатори Тошкент шаҳри ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган болалар ҳам борлиги эътиборга молик.

Айни чоғда ўқитувчиларни танлаш ҳам қатъий талаблар асосида ўтказилиб, натижада хоразмлик иқтидорли муаллим ҳам шу таълим масканида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бир иш ўрни учун 38 нафаргача номзод синовларда қатнашди. Эътиборлиси, педагоглар жамоасига Қоракўл мактабининг 12 нафар ўқитувчиси ҳам киришга муваффақ бўлди.

— Таълим икки — техника ва иқтисодиёт йўналишларида олиб бориляпти, — дейди мактаб-интернат директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Зуҳра Қобулова. — Дейлик, техника йўналишида математика ва физика фанлари кўпроқ ўқитилса, иқтисодиётда математика ҳамда инглиз тили дарсларининг ўрни катта. Шунингдек, математика, физика, инглиз тили, она тили, кимё-биология фанлари бўйича бепул тўгараклар ҳам ташкил қилинган.

Физика фани ўқитувчиси Ўлмасжон Раҳмонов Қоракўлдан. У ҳам ҳамма қатори синовлардан муваффақиятли ўтиб, ушбу масканда таълим бериш имкониятига эга бўлди. Унинг айтишича, физика дарслари анъанавий мактабларникига нисбатан икки баравардан кўп ўтилади, чуқурлаштирилган тўгарак соатлари ҳам бор. Яна бир жиҳат, битта синфни иккига бўлиб, яъни 30 ўқувчи 15 нафардан гуруҳда ўқитилади.

Мазкур замонавий мактаб-интернат узоғи билан 2-3 йилда ўз натижасини беришига ишонамиз. Бунинг учун таълим даргоҳида барча имконият, шарт-шароит яратилган.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

ВАЗИЯТНИ ДОИМИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда аҳолини арзон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, бозорларда нарх-наво асоссиз ошиб кетишининг олдини олиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Маҳаллий Кенгашларда

Таъкидланганидек, аҳолининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қоплаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

— Вилоятимиз аҳолиси эҳтиёжи учун қуввати 190,1 минг тонна бўлган 344 та омборхонада май ойига қадар маҳсулотларни тўлиқ сақлаш имконияти яратилган, — дейди вилоят ҳокими, сенатор Рустам Холматов. — Аҳолининг гўшт, картошка, гуруч, ун ва тухумга бўлган эҳтиёжи тўлалигича ички имкониятларимиз ҳисобидан қопланади. Фақат иккита маҳсулот — шакар ҳамда ўсимлик ёғининг бир қисмини ташқаридан олиб келишимиз талаб этилади. Масалан, ўсимлик ёғи қўшни Қозоғистон ва Россия давлатларидан келтирилади.

Вилоятдаги еттита шаҳар аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини муттасил етказиб бериш мақсадида 15 та тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли шартномалар тузилиб, арзон нархлардаги маҳсулотлар билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилди.

Сессияда, шунингдек, ижтимоий соҳалар — мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасалари талабини қондириш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 7 миллиард сўм маблағ ажратилгани, озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи арзон бўлган айни кунларда уларнинг захирасини яратиш тизими шакллантирилгани, эҳтиёждан ортиқча маҳсулотлар пойтахт бозорларига йўналтирилиши айтиб ўтилди.

Бунинг учун ҳудудда вазиятни доимий назорат қилиш тизими ишлаб чиқилиб, секторлар раҳбарларининг бу борадаги масъулияти ва жавобгарлиги белгиланган.

— Йиғилишда вилоят аҳолисининг 2021 йил май ойигача бўлган вақт давомида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби аниқлаб олинди, — дейди сенатор Маҳмуд Тоиров. — Ушбу вазифаларни бажаришда, албатта, бирламчи масъулият маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда секторлар раҳбарлари зиммасига тушади. Сабаби чекка қишлоқлардаги аҳолининг талаб ва истаклари фақат маҳаллий Кенгашлар вакиллари орқали марказга тез етиб боради. Бозорлардаги нарх-навони доимий назоратда ушлаб туришда уларнинг ўрни беқиёс.

Таъкидланганидек, бу йил вилоят далаларида картошка, сабзи, карам, сабзавот ва полиз маҳсулотлари сингари такрорий экинлар ҳосилдорлиги юқори бўлди. Кузги картошкани йиғиштириб олишга энди киришилмоқда. Жорий йил якунигача вилоятда жами 3 млн. 289 минг тонна сабзавот ҳамда 459 минг тонна картошка ҳосили етиштириш имконияти мавжуд. Оҳангарон, Чиноз, Янгийўл ва бошқа ҳудудларда чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари ҳамда кластерларни ривожлантириш орқали ички бозорларни арзонлаштирилган гўшт ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

— Сессияда яна бир муҳим масала кўриб чиқилди, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати Сайёра Файзиева. — Бу жорий йилнинг 1 ноябридан бошлаб вилоятдаги мавжуд 1031 маҳаллада озиқ-овқат ва савдо дўконлари ҳамда кичик экобозорлар фаолиятини йўлга қўйиш масаласидир. Айни пайтда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўзлари сайланган округларда ушбу вазифаларнинг ижроси қай даражада таъминланаётгани бўйича назорат олиб боришяпти.

Шу билан бирга, йиғилишда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, иссиқхона хўжаликлари, музлаткичли омборхоналар, логистика маркази ва бошқа йўналишларда умумий қиймати 4 трлн. 873 млрд. сўм бўлган 179 та янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилгани таъкидланди.

Сессияда яна қатор масалалар кўриб чиқилиб, якунда барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ
(«Халқ сўзи»).

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ТОМОНИДАН ЯНГИ МАРКАЗ ИШГА ТУШИРИЛДИ

Мижозларга қулайлик яратиш бугунги замонавий банклар олдига қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу ривожланиш, молия бозорида ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш учун жуда зарур.

Молия муассасаларида

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки айни шу мақсадда ўз мижозларига самарали ҳамда кенг кўламли хизмат кўрсатиш, шунингдек, мижозлар сафини янада кенгайтириш мақсадида бир қатор лойиҳаларга қўл урмоқда. Мазкур молия муассасаси томонидан яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида “Чиғатой” банк хизматлари маркази фаолиятини йўлга қўйгани бунинг тасдиғидир.

Марказ ихчамгина бўлса-да, фаолияти кенг. Яъни бу ерда мижозларга мутахассислар маслаҳатини олиш, ҳисоб рақам очиш ва кредит олиш учун ариза бериш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Айтиш жоизки, ушбу ҳудудда банк хизматларига эҳтиёж катта эди. Шуни ҳисобга олган ҳолда “Микрокредитбанк” мутасаддилари марказни айнан аҳолига қулай жойда ташкил қилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш керакки, айни пайтга қадар “Микрокредитбанк” томонидан банк фаолиятини молиявий соғломлаштириш, операцион харажатларни оптималлаштириш ҳисобига хизмат кўрсатиш географиясини кенгайтириш мақсадида 76 та ихчам ва кам харажат талаб қилувчи “Банк хизматлари маркази” фаолияти йўлга қўйилди.

Реклама ўрнида

Ушбу амалиётларни келгусида ҳам давом эттириб, жорий йил якунига қадар жами 90 та замонавий марказ ишга туширилиши режалаштирилган.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилин

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6